ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ-ОЛИЙ БАХТ

O'.K.U.F. F.T.U.U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

ISHONCH

2007 йил 4 январ
пайшанба № 2 (2259)

Ислом КАРИМОВ:

Ишончим комил, мана шу саховатли Ўзбекистон заминида яшаётган барча инсонлар, миллати, тили ва динидан, қараш ва эътиқодидан қатъи назар, бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг энг катта бойлиги, Оллоҳнинг ўзи бизга инъом этган бебаҳо неъмат бўлмиш юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва барқарорлик, жамиятимизда мустаҳкамланиб бораётган ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик эканини чуқур англайди ва юксак қадрлайди.

Тадбиркорлик — давр талаби

РОМИТАН МАҲСУЛОТЛАРИ ХОРИЖГА

Ромитан туманининг Қалайчорбоғ қишлоғида ташкил топган «Имидэтекстил» масъулияти чекланган жамияти фаолиятига кўпчилик ҳавас билан қарашади. Бунинг боиси бор. Ташаббускор ва тадбиркор Бозор Норов асос солган ушбу корхонада ишчи ўринлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Айни пайтда мазкур жамоада меҳнат қилаётган ишчи-мутахассислар сони тўқсон нафардан ошган.

Корхонага асосан мамлакатимизнинг Тошкент, Бухоро, Фарғона, Хоразм вилоятларидан бир қатор замонавий технология билан жиҳозланган, енгил саноат жамоаларида ишлаб чиқарилаётган бўз матолари шартнома асосида келтирилади ва шу ернинг ўзида оқартирилиб, гул босилади. Тайёр маҳсулотнинг нафислиги, унга босилаётган ранг-баранг гулларнинг бежиримлиги, бўёқларнинг юқори сифатлилиги харидорларга манзур бўлмоқда. Жамоа муваффақиятларини таъминлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган фидойилар оз эмас. Уста Фурқат Неъматов, ишчилар Мунира Темирова, Дилора Раҳматова, Гуллола Қаҳҳорова, Дилдора Жабборова, Фахриддин Шарапов, Исроил Шариповлар шулар жумласидандир.

— Бизнинг цехларимиздаги ускуналар Россия ва Чехиядан келтирилган, — дейди смена устаси Шуҳрат Баҳронов суҳбат чоғида. — Матоларга гул босишда ишлатиладиган бўёқлар эса Германияда ишлаб чиқарилган. Юқори малакали ишчиларимиз ҳар бир жараёнда масъулиятни ҳис этиб меҳнат қилишади. Шунинг учун қисқа вақт ичида нафақат ички бозорда, ҳатто хорижда ҳам доимий харидорларимизга эга бўлдик.

Яқинда корхонага Голландия фирмасидан гул босиш янги ускунаси келтирилиб, ўрнатилди. Бу билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсди. 12 нафар қишлоқ аҳолиси барқарор иш ўрнига эга бўлди.

— Қишлоқда яшаб, остонанг остидаги корхонада ишлаш нақадар қулай ва манфаатли, — дейди ишчи Мунира Темирова. — Цехда саккиз соат ишлаймиз. Зиммамиздаги вазифани аъло даражада бажаришга ҳаракат қиламиз. Корхона маъмурияти эса ғамхўрлигини сира аямайди. Бепул иссиқ овқат берилади. Ҳар ойда 80-100 минг сўм атрофидаги маошларимизни ўз вақтида тўлашади. Албатта, меҳнатда алоҳида ибрат кўрсатганлар мукофотсиз қолдирилмайди. Манфаатдорлигимиз юқори бўлаётганидан оиламиз тинч, турмушимиз фаровон.

Дарвоқе, корхона ҳузурида тикувчилик цехи ҳам ташкил этилган бўлиб, у ерда 15 нафар хотин-қиз меҳнат билан банд. Чеварлар бу ерда ишчи коржомалари, қўлқоп, турли қоплар ва буюртма асосида кийим-кечаклар тикишади. Сифатга жиддий эътибор қаратилгани боис тайёр маҳсулотлар омборда туриб қолмай, эгаси қўлига етиб боради.

Тиниб-тинчимас раҳбар Бозор Норов ҳамиша изланишда. У корхонасида ҳар ойда 70-80 минг метр мато қайта ишланаётганидан қониқиш ҳосил қилаётгани йўқ. Ўтган давр мобайнида жамоа 600 минг АҚШ долларидан зиёд миқдордаги маҳсулотини Россия давлатига сотилганини ҳам охирги чегара, деб билмаяпти.

Жамиятда қўшимча янги цехлар қуриш давом эттирилмоқда. Мақсад ишчи ўринларини янада кенгайтириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириб, даромадлар салмоғини кўпайтириш. Муҳими, корхона соф фойдасининг катта қисми аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ишонч» мухбири
Суратларда: корхона иш фаолиятидан лавҳалар

Хабарлар

ЖУРНАЛИСТИК МАҲОРАТ МАРКАЗИ

Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди кўмагида «Қашқадарё» газетаси таҳририятининг «Қашқадарё вилояти ОАВда фаолият кўрсатаётган журналистлар малакасини ошириш ва ёш журналистларни тайёрлаш» лойиҳаси асосида янги марказ ташкил этилди.

Ҳозирда ушбу марказда вилоят оммавий ахборот воситаларида ишлайдиган ходимлардан 20 нафари ўз малакасини оширмоқда. Кейинги босқичдаги ўқувларда Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари журналистларининг иштирок этиши режалаштирилган.

Тингловчиларга «Жамиятни модернизациялаш ва демократлаштиришда ОАВнинг роли», «Ахборот йўналишидаги ва таҳлилий материалларга қўйиладиган замонавий талаблар», «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонуний асослари», «Журналистикада ихтисослашув» каби мавзуларда ўқув олиб борилаяпти. Компьютер ва интернетда ишлаш бўйича амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

«МЕБЕЛЛАР УЙИ» ИШГА ТУШДИ

Қарши шаҳрида «Шўртангазкимё» мажмуига қарашли «Мебеллар уйи» ишга тушди.

Замонавийлиги ва савдо-сотиқ ишларининг юксак даражада ташкил этилиши билан бирга, мажмуа савдо майдонида жиҳозлар ўзига хос дизайнда жойлаштирилган.

Харидорларга асосан республикамизда, шунингдек, хорижда ишлаб чиқарилган сифатли уй-жой жиҳозлари — қаттиқ ва юмшоқ мебеллар, аудио, видео техникалар, телевизор, турли хилдаги гиламлар, пардалар сотилмоқда. Савдо-сотиқ пул кўчириш, нақд пул ва пластик карточкалар асосида амалга оширилаётганлиги мижозлар учун қулайлик яратган.

И.ИСОМИДДИНОВ

ЭЗГУЛИКЛАР ЙИЛИ БЎЛСИН!

Бу йилги «Қурбон ҳайити» «Янги йил» байрами билан боғланиб кетди. Навоий вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва тармоқ вакилликлари ушбу байрамлар арафасида қатор меҳрмурувват ва хайрия тадбирларини ўтказдилар.

Жумладан, тармоқ вакилликлари билан ҳамкорликда «Яхшилик деб яшайлик» номли тадбир ўтказилди. Узоқ Нурота туманидаги кам таъминланган чўпон-чўлиқ оилалари, Кармана тумани ва Навоий шаҳридаги ёлғиз ва муҳтож оилалардан 35 нафарига хайрия ёрдамлари кўрсатилди. «Нуроний» жамғармаси ва шаҳар кўзи ожизлар жамиятининг бир гуруҳ болажонларига янги йил совғалари улашилди.

Шуҳрат ХАЛИЛОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Навоий вилоят бўйича вакили

МАЪНАВИЯТ КУНЛАРИ

Фарғона вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган «Маънавият» куни Ўзбекистон Президентининг Конституциямизнинг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда қилган маърузасини ўрганишга бағишланди.

Фарғона шаҳар маънавият маркази раҳбари, тарих фанлар номзоди Т.Зоҳидовнинг маърузада баён этилган фикр-мулоҳазалар, илгари сурилган таклиф ва ташаббусларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги фикрлари касаба уюшмалари ходимларида катта таассурот қолдирди.

Улуғбек ИБОДИНОВ

Сарҳисоб

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ОЛИЙЖАНОБ ФАОЛИЯТИ

Актёр эмас, томошабин кўп нарсани кўради деган гап бор. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида шарқона одоб ва вазминлик ҳукмрон. Аҳён-аҳёнда қулоққа чалинган мантиқдан сал йироқлашган жузъий унларни истисно этганда, мунис юртга садоқат, жонкуярлик, ақлий салоҳият, истеъдод ва катта қалб уфуриб турган ёниқ сўзлардан кўнглинг тоғдек кўтарилади.

Айниқса, кейинги вақтларда депутатларимиз фаоллиги юқори бўлмоқда. Қонун лойиҳаларининг ҳар бир моддаси ғоят талабчанлик билан муҳокама қилинмоқда. Депутат Эркин Жўраев айтганидек, қонун қабул қилишнинг ўзи мақсад эмас, қонун мақсадга эришиш воситаси. Шундай экан, воситанинг мукаммал бўлишига интилиш керак.

Давлат маблағи кўпроқ янги иш ўринлари яратишга, таълим ва соғлиқни сақлашга сарфланади.

Она заминимизни асраш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва оширишнинг ҳуқуқий асоси белгиланди.

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва харид этиш соҳасидаги муносабатлар аниқ тартибга солинди.

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, молиявий жавобгарлигини енгиллаштириш; қалам аҳлининг ҳам моддий ва маънавий рағбатлантиришга эътибор ошди.

Парламент қонун ижросини ҳам назорат қилади. Депутат Абдиғофур Маматов шундай дейди: «Назорат ва таҳлилот фаолияти фақат бизнинг мамлакатимиз парламентига хос, бу қонунларнинг қандай ишлаётганлиги ва ижро интизомини аниқ кўрсатади».

Бундан ташқари, турли тадбирлар, ариза-шикоятлар, эҳ—ҳе...

Газетхонларимиз тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилишлари учун 2006 йилда Парламентда кўрилган ва Сенатда маъқулланиб, Президентимиз томонидан имзоланган ҳамда эълон қилинган қонунлар рўйхатини беришни лозим топдик:

(Биринчи рақам- Қонунчилик палатасида, иккинчи рақам- Сенатда кўрилган, учинчи рақам- Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган ва тўртинчи рақам -«Халқ сўзи»да эълон қилинган санани билдиради. Ўзбек тили қоидасига мувофиқ аввал йил, кейин ой, сўнгра эса кун кўрсатилди.)

(Давоми 2-бетда)

ҲИМОЯ КАФОЛАТИ

Инсонга наф келтириш, манфаати устуворлигини таъминлаш долзарб иш. Шу боис касаба уюшма ташкилотларида изланиш, имкониятларни ахтариб топишга ҳаракат кучайтирилмоқда. Сайхунобод туманида бу борада ибрат олгулик жиҳатлар бор. Хусусан, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман вакиллиги ташаббуси таҳсинга лойиқ. Соҳа ходимлари ижтимоий ҳимоясини ташкил этишда турли омиллардан фойдаланилмоқда.

— Касаба уюшма вазифасининг қамрови кенг. Шунинг учун меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда барча омилларни ишга солиш тақозо этилади, — дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилоят кенгаши раиси Қаршибой Эшназаров. — Сайхунободда сармоядан ташқари маблағ топилиб, у ходимлар манфаатини ҳимоялашга йўналтирилмоқда. Ўтган йили тармоқдаги кам таъминланган, кўп фарзандли оилалар, ногиронлар, қаровчисини йўқотганлар моддий таъминоти мустаҳкамланди. Яна бир жиҳати, тармоқ вакиллиги саъй-ҳаракати, интилиши билан барча бошланғич ташкилотларда ҳам бу ташаббус жонлантирилиб, оммавий тус берилган.

Тан олиш керак. Бугун ўз сармоясини, маблағини елга совурадиган анойи йўқ. Сармоядорлар кўнглига йўл топиш, улардаги инсонпарварликни, одамларга меҳр-оқибат тамойилларини шакллантириш орқали ижтимоий кўмакни кучайтириш мумкин. Вакиллик ва бошланғич касаба уюшмаларидаги уюшқоқлик, одамлар кўнглига йўл топа билмоқлик, мулоқотдаги самимийлик боис бу масалалар ижобий ечим топди.

Тумандаги ибратли ташаббусни кенг қулоч ёйдириш мақсадида бошқа туман қўмиталари ва вакилликларида ҳам ана шу усулни қўллашни тавсия этдик. Барча етакчиларнинг кенгайтирилган семинари ташкил қилинди. Ошкора мулоқот, қизғин баҳс ва мунозара уюштирилди. Пировард натижада бу усулни қўллаш фақат фойда келтирмоқда. Мавзудан чекинмаган ҳолда бир мисол. Оқолтин туман тармоқ касаба уюшмаси олиб бораётган ишга тўхталсам. Касаба уюшмаси ва халқ таълими бўлими ҳаракати билан 15 миллион сўмга яқин пул жамғарилган. Ана шу маблағ мактаблар моддий базаси, таълим ходимлари ижтимоий муҳофазасига йўналтирилган. Ўнлаб ходимлар соғломлаштирилган. Бундан ташқари, тумандаги битта дорихона соҳа ходимларига бепул хизмат кўрсатиб келаяпти. Иссиқ жон иситмасиз бўлмас, деганларидек кимдир шамолласа, дардга чалинса дори-дармон масаласини ўйлаб ўтирмайди. Касаба уюшма мадади, кўмаги билан имтиёздан фойдаланиши мумкин.

Ўйлайманки, ана шундай имтиёзлар ҳар бир туманда, ташкилотларимизнинг барчасида ташкил этилса, нур устига нур бўларди. Биз ана шу даражага эришишга, касаба уюшманинг ҳар жабҳада устун бўлишига интилишимиз зарур.

Тўхтабой ҒАНИЕВ,
Таълим ва фан ходимлари Сайхунобод тумани вакили:

— Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ҳаётий зарурат. Қўлим узун, тилим бурро бўлсин, деган мавқега эга бўлишни истаган ташкилот изланишдан толмайди. Биз 2002 йилда ана шу йўналишдаги ишга қўл ургандик. Илк уринишимиз ёмон натижа бермади. Ташкилотлар, тадбиркор, ишбилармонлар билан алоқани кучайтирганимиз боис 9 миллион сўмдан ошиқ маблағ топдик. У аниқ мақсадларни кўзлаб сарфланди. Ана шундан бошлаб бу масалага жиддий эътибор қаратилди. Бошланғич ташкилотлар фаоллиги жонлантирилди. Ҳудуддаги хайрихоҳлар билан режа ишлаб чиқилди. Улар ўзлари ўтказиб бераётган маблағнинг кимга, қай мақсадга ишлатилганлигини сезиб туришди. Бу эса таълим тизими ходимларини қўллаб-қувватловчилар сони ошишига хизмат қилаяпти. Ҳозирда сармоядан ташқари тўплаган маблағимиз миқдори 19 миллион сўмдан ошди.

Бу маблағлардан оқилона фойдаланиш, аниқ-тиниқ ҳисоб-китоб юритиш даркор. Шу жиҳатлар инобатга олиниб, ушбу маблағлар ҳисоб-китоби билан шуғулланувчи масъул ходим тайинланди. У вақти-вақти билан туман халқ таълими бўлими, касаба уюшма вакиллигига ҳисобот бериб туради.

Касаба уюшма маблағларидан 25 нафар етим ўқувчиларга ўқув қуроллари олиб бердик. Кам таъминланган, ёлғиз, боқувчисини йўқотган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларнинг 28 нафарига манзилли моддий кўмак кўрсатиб келинмоқда. 20 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ёзги дам олиш оромгоҳларида бепул дам олдирилди. 5 нафар соҳа ходимларига сиҳатгоҳлар учун ажратилган йўлланмаларнинг бир қисми ҳомийлар томонидан қопланди.

Одамлар ташвиши, ғами билан куйиб-пишадиган, керак бўлса ўз ҳаловатидан кечадиган ишбилармонларимиз оз эмас. Шулардан бири «Ином» фермер хўжалиги, десак адашмаймиз. Ишбилармон-мулкдорлар 8 нафар кам таъминланган хонадон фарзандлари саломатликларини тиклашга маблағ ажратишди. «Ғалаба» фермерлар уюшмаси мулкдорлари эса 2 та мактаб спорт залини тўлиғича таъмирлаб, спорт жиҳозлари билан таъминлади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демоқчиманки, меҳр-муҳаббат уфурган заминда одамийлик ҳислари кучаяверади.

Замон изланиб, интилганга ҳамқадамдир. Биз фақат ҳомийлар, беғараз кўмакчиларга қараб қолмоқчи эмасмиз. Ахир, касаба уюшма ҳам қўшимча пул топса нимаси ёмон. Биз ҳудуд шароити, барча омилларни ҳисобга олиб қўшимча пул топиш йўлларини ахтардик. Ниҳоят, бир қарорга келдик. Касаба уюшма тасарруфига ер олиб, деҳқончилик юмушларини ташкил этишимиз мумкин экан. Бу йўналишда пухта дастур ишлаб чиқиб, туман ҳокимлигига тақдим этганмиз. 14 гектар ер майдони ажратиладиган бўлди. Ўз даламизда пахта, ғалла етиштириб, ишлаб топилган барча даромадимизни таълим ходимларини ижтимоий ҳимоялашга сарфлаш мўлжалимиз бор.

Зулайҳо АҲМЕДОВА,
мактаб директори:

— Мамлакатимизда таълим тизими алоҳида имтиёз ва афзалликлар билан қамраб олинган. Аммо ортиқча маблағ ҳеч маҳал зарар қилмаган. Шу боис ҳам атрофимиздаги тадбиркор-фермерлар билан яқин алоқамиз бор. Улар мадади билан 2,8 миллион сўм сармоядан ташқари маблағ тўплашга эришдик. Бу пуллар ўқувчи ва ўқитувчиларга шарт-шароит яратиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга сарфланди.

Мактабимиз бошланғич касаба уюшма ташкилоти билан ҳамкорликда бизга ҳамнафас бўлувчиларга яқинлашиб, улар эътиборини мактабга қаратиб келаяпмиз. Айни чоғда ўн нафар фермер хўжалиги раҳбари ҳар қандай чақириғимизга «лаббай» дея жавоб беришмоқда. Келгусида улар сони янада ошиши кутилаяпти. Демоқчиманки, одамларимизда инсонийлик ҳислари кучайиб бормоқда.

Ташаббус

Зуҳра НУРАЛИЕВА,
1-мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси:

— Касаба уюшманинг ўзига хос талаблари бор. Илгарилари муайян маблағларни сарфлаш ва ҳисоб бериш билан чекланиб қўя қоларди. Юрт истиқлолидан сўнг фаолиятимиз йўналиши ҳар жиҳатдан янгиланди. Эндиликда одамларга манфаат келтириш бош мақсадимизга айланган.

Таълим даргоҳимизда ҳам 60 га яқин касаба уюшма аъзолари бор. Улар орасида 3 та кам таъминланган хонадон мавжуд. Маъмурият билан ҳамкорликда уларни қўллаб-қувватлаб турамиз. Шунингдек, ҳар йили мактабимиз ҳисобига 1,5 — 2 миллион сўм атрофида сармоядан ташқари маблағ жалб этилади. Уни одилона ишлатиш, оқилона фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Вакиллигимиз ташкил этган семинар-кенгаш зиммамизга янада катта масъулият юклади. Бу йўналишдаги ишларимизни янада кучайтириш чора-тадбирларини кўраяпмиз.

Истиқболдаги йил Юртбошимиз ташаббуси билан «Ижтимоий ҳимоя йили», деб эълон қилинди. Саъй-ҳаракатимиз ана шу ташаббусга амалий жавоб бўлиши шубҳасиз.

Суҳбатни
«Ишонч» мухбири
Нурилла ШАМСИЕВ
ёзиб олди

ОЛИБСОТАР ҲАМ КАРТОШКА ЕЙДИ-МИ?

«Ишонч» 2006 йил, 7 октябр

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ушбу танқидий мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қилади:

«Солиқ хизмати идоралари томонидан деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархининг сунъий равишда ошиб кетиши ва бу маҳсулотлар билан ноқонуний савдо қилинишининг (олиб-сотарлик) олдини олиш юзасидан мунтазам тадбирлар олиб бормоқда.

Шу бўйича деҳқон бозорларида ўтказилган текширув тадбирлари натижасида қоидабузарлардан жами 24889.7 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб қўйилиб, махсус дўконларга топширилди.

Жавоб

Жумладан, «Ишонч» газетасида чоп этилган «Олибсотар ҳам картошка ейди—ми?» сарлавҳали танқидий мақоладаги салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида тадбирлар янада кучайтирилди. Бунинг натижасида 16 та ҳолатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ноқонуний савдо қилинаётгани аниқланиб, амалдаги қонун талабларини бузганлардан 851,3 минг сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилди.

Ўтган даврда Тошкент шаҳар солиқ хизмати идоралари томонидан деҳқон бозорларида олиб борилган тадбирлар натижасида жами 467 нафар фуқаро қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиб-сотиш фаолияти билан шуғулланиш учун тадбиркор сифатида Давлат ва солиқ идораларида рўйхатга олинди ҳамда улардан 117647 минг сўм қатъий солиқ ундирилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 483-сонли қарорига асосан 2485 нафар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотувчилар бир марталик декларациялар орқали солиққа тортилиб, улардан 35307,7 минг сўм солиқ ундирилди.

Ҳозирги кунда ҳам ушбу йўналиш бўйича мунтазам равишда назорат тадбирлари олиб борилаяпти».

Р. МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар ДСБ бошлиғининг биринчи ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ИНСОННИНГ ЯШАШ ҲУҚУҚИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир», — деб мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан ташқари, Асосий қонунимизнинг 13-моддасига кўра «инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади».

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда мутлақо янги суд-ҳуқуқ тизими шакллантирилди. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари босқичма-босқич, тадрижийлик тамойили асосида изчил амалга оширилмоқда. Шу маънода: «Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим вазифаси жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини изчиллиик билан босқичма-босқич либераллаштириш ҳисобланади», дейилади Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонида. Шу боис ўлим жазосини бекор қилиш конституциявий қоидаларни ҳаётга тўла татбиқ этилиши, инсон ҳаётини олий қадрият эканлигини англатади. Жаҳон ҳамжамияти инсон ҳуқуқларига оид тамойилларга тўла мос келади.

Мазкур Фармоннинг қабул қилинишини Ўзбекистонда шакллантирилаётган адолатли ва инсонпарвар фуқаролик жамияти сари қўйилган қадам деб баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинади ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий қилинади.

Ҳозирги кунда ўлим жазосини бекор қилиш бўйича Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Жиноят-ижроия кодексига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар ҳақида таклифлар тайёрланмоқда.

Бу ўзгартиш ва қўшимчалар:

биринчидан, ҳозирги вақтда ўлим жазоси тайинлашга йўл қўядиган жиноятлар содир этган шахслар учун озодликдан маҳрум этишнинг аниқ муддатларини;

иккинчидан, бундай жиноятлар учун жазо тайинлаш, озодликдан маҳрум этиш муддатларини ҳисоблаш тартиби, шунингдек, ўлим жазоси ўрнига жорий этиладиган жазоларни ижро этиш тартиби ва шартларини;

учинчидан, умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлайдиган судларни аниқ белгилаб бермоғи керак.

Ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Бундан ташқари 2008 йил 1 январга қадар умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларни сақлаш учун зарур ихтисослаштирилган муассасаларни қуриш ва фойдаланишга тайёрлаш ушбу муассасаларни молиялаштириш тартибини ва уларда ишлаш учун кадрларни тайёрлашни ҳал этиш керак бўлади.

Инсоният ўз тарихининг аксарият қисмида оғир жиноятлар учун ўлим жазосини қўллаб келган. Шу боис, ўлим жазосини бекор қилишда аҳолининг фикрини албатта, ҳисобга олмоқ лозим. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг сўнгги социологик тадқиқотларига кўра, сўровга жавоб берганларнинг 69 фоиздан ортиғи ўлим жазосини бекор қилишга қаршидир. Шу борада Фармонда таъкидланганидек, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш зарур бўлади.

1997 йилда қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини кўрсатади. Бу борадаги маърифий-ҳуқуқий ишлар аҳолининг барча табақа ва гуруҳлари орасида муайян режа асосида узлуксиз олиб борилмоғи лозим. Оммавий ахборот воситаларида мутахассислар билан давра суҳбатлари, савол-жавоблар, тўғридан-тўғри мулоқотлар уюштириш, махсус рукнлар ташкил этиш яхши самара беради.

А.САИДОВ,
Тошкент давлат юридик институти магистранти

Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг мутахассис етказиб беришда салмоқли ўрни бор. Унда тикувчилик, радио ва телеаппаратуралардан фойдаланиш ҳамда таъмирлаш, спорт фаолияти, ҳисоблаш машиналари мажмуалари ва тармоқлари ҳамда молия йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланади. Мазкур ўқув масканида таълим олувчиларга қулай имкониятлар яратилган.

И. ҲАСАНОВ
олган суратлар

ТАЪЛИМ ВА ДАВР ТАЛАБИ

Ҳар жиҳатдан баркамол, билимли, ўз Ватанига содиқ ва юртимиз ривожига ҳисса қўшадиган ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу борада «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу боис таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши томонидан ёшларга таълим-тарбия беришни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича талай ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига катта аҳамият берилмоқда.

— Олиб борилаётган ишларнинг бари вилоят халқ таълими бошқармаси билан бевосита ҳамкорликда амалга оширилмоқда, — дейди таълим ва фан ходимлари вилоят касаба уюшмаси кенгаши раиси Муяссар Раҳимова. — Бу борада 2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари фаолиятини ривожлантириш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилган. Мазкур дастурга кўра ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилиб, уларга қулай иш шароити ва дам олишларини намунали ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Ҳозирда туманлар ўртасида 11 та келишув ва 20 та жамоа шартномалари тузилди. Тармоқ касаба уюшма кенгаши ва унинг тасарруфидаги барча ташкилотлар томонидан соҳа ходимларига ойлик маошлари ва бошқа тўловларнинг ўз вақтида берилиши назоратга олинган.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида келажагимиз пойдевори бўлган ёшларимиз кенг ва шинам, замонавий асбоб-анжомлар билан таъминланган ўқув, лаборатория хоналарида, кутубхоналарда ўқиб-ўрганиш, давр талабига жавоб берадиган спорт заллари ҳамда майдончаларда машғулотлар олиб бориш имконига эга бўлишмоқда.

Яратилаётган шароитлардан яна бири талабаларни ётоқхона билан таъминлашдир. Маънавият ва маърифат, дам олиш, гигиена хоналари ташкил этилган. Шунингдек, савдо-овқатланиш, маиший хизмат тизимлари фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган.

Вилоят касаба уюшма кенгаши яна бир хайрли ишга қўл урди. Яъни Урганч туман маиший-хизмат касб-ҳунар коллежи ётоқхонасини ўз ҳомийлигига олди.

Бундан ташқари, вилоятдаги олий ўқув юртларида, касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган кам таъминланган, иқтидорли талаба ҳамда ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят Кенгаши томонидан махсус ус-тама стипендия таъсис этилган эди. Беш йилдирки, энг иқтидорли ва жамоатчи талабаларга ушбу стипендия берилмоқда.

Ҳозирда фуқароларни иш билан таъминлаш, уларга қулай иш шароитлари яратиб бериш ҳам муҳим масаладир. Ўтган йилда меҳнат биржалари орқали 616 нафар ходим ишга жойлаштирилди. Шундан 203 нафари квоталаштирилган ўринларга қабул қилинди. Вилоятда мавжуд умумтаълим мактабларида йил бошидан буён 215 нафар педагог ходимга эҳтиёж бўлиб, бу ўринлар ёш мутахассислар ҳисобига тўлдирилди.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 июлдаги «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳиятини тушунтириш анча қўл келмоқда.

Йил давомида педагог ходимларга бўлган эҳтиёж юзага келишининг олдини олиш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан Урганч давлат университети, Тошкент, Бухоро вилоятлари олийгоҳлари ҳамда Нукус давлат университети ўртасида шартномалар тузилди. Унга кўра ушбу олий ўқув юртларини тугатаётган хоразмлик талабалар яшаш жойига яқин мактабларга ишга юборилади.

Айни пайтда таълим-тарбия муассасаларида меҳнат қонунчилигига қатъий риоя қилиниши устидан назорат анча кучайтирилди. Шу бўйича 84 та ташкилотда ўтказилган текширув жараёнида ноқонуний ишдан бўшатилган 7 нафар ходим ўз ўрнига тикланди.

Олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида вилоят касаба уюшма кенгаши томонидан 40 дан зиёд ўқув-семинар ўтказилди. Бунга 1812 нафар фаол жалб қилинди. Бундан ташқари, тармоқ касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари фаолиятини талаб даражасида бўлишини таъминлаш, уларга амалий ёрдам бериш мақсадида касаба уюшмаси йўналишлари бўйича 3 та услубий қўлланма ишлаб чиқилди. Жойлардаги бошланғич ташкилотлар ходимлари билан 5 кунлик ўқув-семинарлар ўтказиш ҳам йўлга қўйилди.

Айни пайтда жойларда ходимлар саломатлиги мунтазам текширувдан ўтказилиб, касалликка чалинганлари имтиёзли йўлланмалар билан таъминланмоқда.

Бугунги кунда касаба уюшмаси тизимда меҳнат қилаётган ходимлар ҳамда талаба ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, улар иштирокида турли миллий, оммавий спорт турларини ривожлантириш мақсадида аёллар, фахрийлар ва халқ таълими ходимлари ўртасида спартакиадалар ўтказиб келинмоқда.

Беш йилдирки, соҳа ходимларининг ногирон фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш ва уларни спортга жалб қилиш мақсадида «Спешал Олимпикс» Халқаро Ҳаракати билан ҳамкорликда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда «Умид» спорт клубларига 1000 дан зиёд ногирон болалар жалб қилинган. Улар ўртасида мунтазам равишда турли спорт мусобақалари, қувноқ стартлар ўтказиб турилади. Ногирон спортчи болалар нафақат вилоят, балки республика ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда ҳам қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Вилоят кенгаши томонидан ҳар икки йилда бир марта «Оиламиз оҳанглари» кўрик-танлови ўтказиб турилади. Бунда асосан оилавий сулолалар иштирок этади. Шунингдек, вилоят халқ таълими ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон қўшиқлари байрами», «Йил ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси» кўрик-танловларининг ўтказилиши ҳам иш самарадорлигини янада оширишда қўл келмоқда.

Р.САЙДАҲМЕДОВА,
«Ишонч» мухбири

Касаба уюшма ҳаёти

ХАВФСИЗ МЕҲНАТ

Инсон, унинг ҳуқуқлари ва манфаатларига энг олий қадрият деб қараладиган бизнинг жамиятимизда одамлар ҳақида сўздагина эмас, балки амалда ғамхўрлик қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий жиҳатларидан биридир.

Айтиш мумкинки, амалдаги меҳнат қонунчилиги тизими соғлом ва адолатли меҳнат шароитлари таъминлаб берилиши юзасидан аниқ вазифалар ҳамда мажбуриятларни иш берувчилар зиммасига юклайди. Ушбу мажбуриятлар бажарилмасдан қолган тақдирда эса юз берадиган оқибатлар учун уларнинг жавобгарликларини назарда тутади.

Айни пайтда иш берувчиларга юклатилган мажбуриятлардан бири — ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар, ходимларга жароҳат етказилиши билан боғлиқ бўлган бошқа кўнгилсизликларни ўз вақтида, холислик билан, тўла-тўкис текширилиши, юз берган ана шундай ҳолатларни белгиланган тартибда ҳисобга олиб борилишидан иборатдир. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси мулкчилик шакли, ташкилий-ҳуқуқий тузилишидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотлар зиммасига юқоридаги мажбуриятни юклайди.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида текшириш ҳамда ҳисобга олиш бундай воқеа сабаблари ва оқибатларини тўғри аниқлаш, жабр кўрган ходим ҳақ-ҳуқуқларининг муҳофаза этилишини таъминлаш, ҳодиса юз беришида айбдор бўлган шахсларни аниқлаш, энг муҳими, келгусида ана шундай кўнгилсиз ҳолат содир бўлишининг олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўриш имконини беради.

Корхона, ташкилотларда бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган шу ҳақдаги Низом билан тартибга солинади. Шунингдек, ушбу Низомга кўра юз берган бахтсиз ҳодисаларни умумий ва махсус текшириш назарда тутилган бўлиб, умумий текшириш иш берувчи томонидан тузилган комиссия орқали, махсус текшириш эса ваколатли давлат органлари иштирокида амалга оширилади.

Корхона ҳудудида, иш берувчи топшириғига кўра корхонадан ташқарида хизмат вазифасини бажариш чоғида ёки шу ташкилотга тегишли транспорт воситасида ишга бориш, ишдан қайтиш пайтида юз берган ва ходим меҳнат қобилиятини бир кундан кўп муддатга йўқотишига сабаб бўлган ҳар қандай ҳолат тегишли журналларда ҳисобга олиниб (қайд этиб) борилиши шарт.

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани (Москва, 2005 йил 14 ноябр) ратификация қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.01.27. 2006.02.25. 2006.03.06. 2006.03.07

Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил октябрдаги Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январ) ратификация қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.02.09. 2006.02.25. 2006.03.07. 2006.03.08.

Ўзбекистон Республикасининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январ) ратификация қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.02.09 2006.02.25. 2006.03.07. 2006.03.08

ГЎУОМ иштирокчи давлатларнинг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида Конвенцияни (Ялта, 2001 йил 7 июн) денонсация қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.07.27. 2006.02.25. 2006.03.09. 2006.03.10

Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзоланган Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.02.09. 2006.02.25. 2006.03.14. 2006.03.15

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда Женевада дипломатик конференцияда қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.02.09. 2006.02.25. 2006.03.15. 2006.03.16.

Ўзбекистон Республикасининг Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) қўшилиши ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.03.23. 2006.06.09. 2006.07.18. 2006.07.19.

Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимини (Мадрид, 1891 йил 14 апрел) денонсация қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.03.23. 2006.06.09. 2006.07.18. 2006.07.19.

Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреал протоколига киритилган тузатишни (Пекин, 1999 йил 3 декабр) ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.06.06. 2006.08.26. 2006.09.07. 2006.09.08

Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреал протоколига киритилган тузатишни (Монреал, 1997 йил 17 сентябр) ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.06.06. 2006.08.26. 2006.09.07. 2006.09.08

2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти Хартиясига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Баённомани (Шанхай, 2006 йил 15 июн) ратификация қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.08.15. 2006.08.26. 2006.09.11. 2006.09.12.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 26 февралда Москвада имзоланган Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги Шартномага қўшилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.08.15. 2006.08.26. 2006.10.13. 2006.10.14.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 21 февралда Москвада имзоланган Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг ташқи чегарасини қўриқлашда ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.08.15. 2006.08.26. 2006.10.13 2006.10.14.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 31 майда Минскда имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиши ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.08.15. 2006.08.26. 2006.10.13 2006.10.14.

Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Шартнома Ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Баённомани (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.11.21. 2006.12.01. 2006.12.12. 2006.12.13.

Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли Еттинчи қўшимча баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябр) ратификация қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.10.12. 2006.12.01. 20006.12.13. 2006.12.14.

Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган Уставига (Женева, 1992 йил), Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган тузатиш ҳужжатига қўшилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.10.12. 2006.12.01. 2006.12.14. 2006.12.15.

Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган конференцияси (Женева, 1992 йил), Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган тузатиш ҳужжатига қўшилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.10.12. 2006.12.01. 2006.12.14. 2006.12.15.

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2005.11.16. 2006.02.24. 2006.04.04. 2006.04.07.

Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2005.08.05 2006.02.24. 2006.04.12. 2006.04.13.

Истеъмол кредити тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2005.12.22. 2006.02.24. 2006.05.06. 2006.05.10.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.03.23. 2006.06.09. 2006.07.20. 2006.07.21.

Микромолиялаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.06.21. 2006.08.25. 2006.09.15. 2006.09.16

Фирма номлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.06.20. 2006.08.25. 2006.09.18. 2006.09.19.

Микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2006.06.28. 2006.08.25. 2006.09.20. 2006.09.21.

Ватаннинг мард ўғлонлари

Инсон боласининг турган-битгани мўъжиза, деб тўғри айтадилар. Баъзи бировлар билан йиллаб саломлашиб юрасиз, аммо қандай одам эканлигини тузукроқ билмайсиз. Наманган Давлат университети сиёсатшунослик кафедраси мудири, профессор Мамашариф Нишонов билан мулоқот қилиб юрган бўлсак-да, аммо унинг бугунги кунимиз қаҳрамонининг отаси эканлигидан бехабар эдим. Яқинда шаҳар халқ таълими бўлимидан 33-мактабда юртимизга суқилиб кирган бир гуруҳ экстремист босқинчиларга қарши курашда жасорат кўрсатган Иқбол Нишонов билан бўладиган учрашувга таклиф қилишганида Мамашариф аканинг кимлигини яхшироқ англаб етдим. Қарангки, қадрдоним ана шу қаҳрамоннинг отаси бўларкан...

ТОҒ ЖАНГИДАГИ ЖАСОРАТ

— Иқболжоннинг ҳарбий офицер бўлиб етишиши ҳеч бировимизнинг хаёлимизга келмаган эди, - дейди Мамашариф ака. — Ўғлим мактабда яхши ўқиди. Биринчи галда мен, қолаверса, Иқболжон ўқиган мактабда муаллимлик қиладиган онаси Кимёхон унинг ўқишини мунтазам назорат қилиб борардик. Ўзимизча кейин ҳам ўқишни давом эттиради, фаннинг бирон соҳаси бўйича мутахассис бўлиб етишиб чиқади, деб ўйлардик. Мактабни тугатгач, ҳарбий офицер бўлишга бел боғлаганлигини, Чирчиқдаги Олий ҳарбий қўмондонлик-инженерлик билим юртига ўқишга кирмоқчи эканлигини айтди. Иқболнинг битта гапиришлигини, бирон нарсага аҳд қилдими, токи, уни амалга оширмагунча қўймаслигини яхши билардик. Шунинг учун уни йўлдан қайтаришга уриниш беҳуда эди. Нима сабабдан ёшликдан спорт билан шуғулланганлиги, велоспорт бўйича шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни олиб юрганлиги сабабини ҳам шундагина англаб етдик.

Падари бузруквори таъкидлаганидек, камгап, бир сўзини икки қилмайдиган Иқбол айтганининг уддасидан чиқди. Мўлжаллаган билим юртига муваффақиятли имтиҳон топширди. Ўқиш, ўрганиш, танлаган мутахассислигини эгаллаш йўлидаги қийинчиликларни бартараф этиб, билим юртининг аълочи курсантлари қаторидан ўрин олди.

— 2000 йилнинг 20 августида ҳар галгидек эрта тонгда билим юртимиз ҳовлисида саф тортдик, — эслайди Иқбол Нишонов. — Лекин бу гал одатдагидек эрталабки йўқлама ва жисмоний тарбия ўрнига билим юрти бошлиғи биринчи-учинчи босқич курсантларига жисмоний тарбия машқларини бажаришга, бизга — тўртинчи босқич курсантларига эса тоғ шароити машқлари учун ҳозирлик кўришга буйруқ берди. Сал ўтмасдан ҳар биримиз 50 килограмм юк билан ҳарбий транспорт самолётидан жой олдик.

Ҳарбий десант самолёти Бўстонлиқ туманининг тоғли ҳудудига қўнганида йигитлар телевидение ва радио орқали эълон қилинган ва мамлакатимиз ҳудудига яширинча кириб келган ҳамда қатор қўпорувчилик ҳаракатларини режалаштирган террорчилар гуруҳини тугатиш учун етиб келишганлигини тушунишди. Шу ерда улар ўзларини кутиб турган Ўзбекистон чегара ҳудудларини кўриқлаш давлат қўмитаси раиси, генерал-майор У.Ўтаганов билан учрашдилар ва ўз зиммаларига юклатилган асосий вазифа юзасидан атрофлича тушунча олдилар. Генерал жангчиларга ниҳоятда ҳушёр бўлиш лозимлигини, босқинчилар яхши қуролланганлигини, ўзбек миллий армияси кийим-кечакларида юрганлигини эслатди.

Шу тариқа йигирма нафар бўлажак офицер белгиланган ҳудудни қадамба-қадам қараб чиқишга киришди. Улар бир неча кун давомида 20 чақиримлик жойни кўздан кечирдилар. Жарликлар, унгурлар, каттароқ чуқурлик, сой ва сув оқимлари ўпириб кетган пана жойлар ҳам улар эътибордан четда қолмади.

— Ўша кунги воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди, — хотирлайди И.Нишонов. — Вақт нонуштадан ошган, қуёш нурлари тоғ қияликларидан ошиб ўтиб биз дам олиш учун тўхтаган сайхонлик узра энди ёйилган палла эди. Шерикларимиздан бири «анави ариқда ювинаётган ким бўлди?» деб қолди. Ҳамма шу заҳоти нафасини ичига ютиб, ажриқзор узра юрди. Ростдан ҳам милий армиямиз кийимидаги одам гимнастёркасини ечиб қўйиб юз-қўлини ювмоқда эди. Ёнгинасида елкасидан ечиб қўйган автомати. Биз аввалига, иккиуч киши ўт-ўланлар панасидан эмаклаб бориб қўлга туширмоқчи бўлдик.

Эндигина уч киши эмаклай бошлаганимизда, сал наридан, ювинаётган одамдан 15-20 қадам узоқликдаги дарахтзор тарафдан тариллаб отилган автомат товуши янгради ва четга қараб қочаётган икки кишини кўриб қолдик. Кейинчалик билсак, улар экстремистлар томонидан асирга олинган аскарлар бўлиб, гуруҳимизни пайқагач, биз томонга қочишган экан. Шу тариқа орада қаттиқ отишма бошланиб кетди. Очиғини айтганда, биринчи бор ҳақиқий жангга киришиш осон кечмас экан. Лекин агар сен отмасанг, сени отиб ўлдириши мумкин.

Шу хаёлда автоматдан тинимсиз ўқ узаётганимда мендан 15 метрлар чамаси нарида, харсанг панасида турган экстремист биз тарафга бостириб келиш учун ўрнидан қўзғолди. Мен ҳам ўрнимдан шартта туриб нишонга олиб ўқ узаётганимда кимдир чап қўлим ва елкамга оғир гурзи билан қаттиқ ургандек туюлди. Мен сал ҳушимни йўқотдим. Кейин билсам отган ўқим уни йиқитмасдан олдин у ҳам қуроли тепкисини босиб қолишга улгурган экан.

Кейинчалик айтишларича, қонга беланиб ётган йигитга кўмакка келишга йўл қўймаслик учун босқинчилар ҳамма чорани кўришган. Атрофига автоматлардан ёмғирдек ўқ ёғдиришган. Ёрдамга етиб келган вертолёт тирик қолган экстремистларни ва уларнинг масканини ер билан яксон этганидан сўнггина Иқболнинг ёнига курсдоши, самарқандлик Фарҳод Қаҳҳоров биринчи бўлиб етиб келган. Кўп қон йўқотган И.Нишонов Тошкентдаги ҳарбий шифохонага зудлик билан етказилди ва зарур тиббий ёрдам кўрсатилди. Иқбол шу ерда Бўстонлиқ туманининг тоғ зонасида экстремистик гуруҳ билан бўлган жангда кўрсатган жасорати учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра «Жасорат» медали билан тақдирланганлигини эшитди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича муайян ишлар амалга оширилаяпти. Туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Фароғат Бузрукова тизимда катта ҳаётий тажрибага эга бўлган раҳбар. Бу жонкуяр ва фидойи аёлнинг иш куни кексаларни қабул қилишдан бошланади. Биз борган куни у «Оқ олтин» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Муҳаммади бобо Норменглиевнинг арзини эшитиб турган экан. Опа нажот истаб келган қарияни диққат билан тинглади ва унинг талабини ўрганиб чиқиб, ижобий ҳал этишни ўринбосари Азамат Разиевга топширди.

Отахондан ташқари бўлим бошлиғининг қабулига «Пахтазор» қишлоқ фуқаролар йиғинидан келган Ҳалима Ибрагимова, Нуристон қўрғони Жайрон қишлоғидан Бахмал Тўйчиева, «Наврўз» қишлоқ фуқаролар йиғинидан Зубайда Эгамовалар муаммолари ўз ечимини топганлигидан мамнун бўлиб миннатдорлик билдирдилар.

Ҳокимлик, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда иш кўрганлиги ижобий самара бераяпти. Туманда 7200 дан зиёд пенсионерлар, 1575 нафар ногиронлар, 72 нафар ёлғиз қариялар, 32 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари бўлиб, ойлик пенсия миқдори 285 миллион сўмни ташкил этади. Туман ҳокимининг қарорига асосан ёлғиз кексаларга йирик корхона, ташкилотлар, тадбиркорлар ва фермер хўжаликлари ҳомий қилиб бириктирилган.

Биргина Тўра Раҳмонов раҳбарлик қилаётган «Хўжаёр ота» фермер хўжалиги ўз фаолиятида 55 миллион сўмлик ҳомийлик ишларини амалга оширди. Одамларга меҳр-мурувват кўрсатиш ва қийналганларни қўллаб-қувватлаш эзгулик ифодаси, ҳақиқий инсонийлик намунаси. Ён атрофдагилар, кўни-қўшниларга нафинг тегса ўзингни бахтиёр ҳис этасан киши. Туман ер ресурслари бўлимининг бошлиғи Эшмўмин ҳожи Қодиров Янги Нишон шаҳрида яшовчи Жумагул опа Норбоева ҳамда Самарқанд маҳалла фуқаролар йиғинидан Чори Сафаровлар оиласига бир бошдан сигир ҳадя этиб, чинакамига сахийлик кўрсатди.

Таллимаржон Иссиқлик энергия станцияси унитар корхонаси ва қурилиш бошқармаси, туман халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлимлари ҳам ҳомийлик ёрдамини яхши ташкил этишган. Кези келганда, тумандаги етмиш нафардан зиёд ёлғиз қариялар, 200 га яқин ёрдамга муҳтож оилаларга ҳомийлар масъул қилиб тайинланганлигини таъкидлаш лозим. 8 нафар тиббий ижтимоий патронаж ходимлари уларнинг хонадонларига бориб, уй-рўзғор ишларини бажаришда яқиндан кўмаклашаяптилар, дори-дармон, озиқ-овқат махсулотлари етказиб бериб, муолажалар ўтказишаяпти.

Яқинда Нуристон шаҳарчасида яшовчи болаликдан ногирон Умида Дўстова, Тўйчи Муродов ва Ориф Аҳмедов, У.Юсупов маҳалласида яшовчи ногирон Тўра Улашов ва Тўра Жалиловлардан ҳол-аҳвол сўралиб, моддий ва тиббий ёрдам уюштирилди ҳамда ногиронлар аравачалари олиб берилди. Тўлақонли турмуш кечириш учун зарур шароит керак. Туман аҳолисининг кайфиятини кўтариш, талаб-эҳтиёжларини қондиришда ижтимоий таъминот тизими ходимлари ҳам муҳим ўринни эгаллайди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ШАРОИТИ ЯРАТАЙЛИК

Шу баробарда битта ходимнинг соғлиғига шикаст етишига сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса иш берувчи тузган комиссия томонидан уч кун ичида текширилиши ва натижалари Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилиши лозим.

Бир гуруҳ ходимлар соғлиғига шикаст етган, бир ходимнинг вафот этишига сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса вилоят (шаҳар) меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси тузган комиссия томонидан, икки ва тўрт нафар ходим вафотига сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузган комиссия томонидан, беш ва ундан кўп ходимлар ўлимига сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса эса Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати комиссияси томонидан ўн беш кун ичида текширилиши ва текшириш натижалари Н-1 шаклидаги далолатнома тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

Юз берган бахтсиз ҳодисанинг ўз вақтида ва холислик билан текширилиши ходим ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этилишида муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли текшириш чоғида ходимнинг ўзи (илоҳи бўлмаганда унинг вакили) иштирок этиши, далолатноманинг бир нусхаси эса унга берилиши керак. Далолатнома ходимга етказилган зарарни ундириш пайтида, унга ногиронлик пенсияси тайинлашда, агар бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этган бўлса, унинг қарамоғида бўлган шахсларга зарарни қоплаш, пенсия тайин этиш чоғида асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Иш берувчи бахтсиз ҳодисани текширишдан бош тортганда ёки текшириш далолатномасини бермаётган ҳолларда жабрланувчи (ёки унинг вакиллари) корхона касаба уюшмасига мурожаат қилишлари ва улар аралашуви билан ушбу муаммолар дарҳол бартараф этилиши лозим бўлади.

Айтиш жоизки, бозор муносабатларига ўтиш шароитида нодавлат мулкчилигига асосланган корхоналар сонининг ўсиши, иқтисодиётнинг нодавлат секторида банд бўлган ёлланиб ишловчи ходимлар ҳажмининг кўпайиши мамлакат тараққиётида муҳим рол ўйнайди.

Шу сабабли меҳнат муҳофазасига оид қонунчилик талабларини, хусусан, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишга оид талабларни тўлиқ ва сўзсиз бажарилишини таъминлаш ходимлар ҳуқуқларини ҳимоялаш ва кафолатлашнинг асосий шартларидир.

Йўлдош ТУРСУНОВ,
ТДЮИ «Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи» кафедраси доценти,
Э. ТОҲИРОВ,
талаба

САРИОСИЁЛИКЛАР БИРИНЧИ

Термиз шаҳридаги Ўқувчилар саройининг спорт залида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ташаббуси билан соҳа ходимлари ўртасида анъанавий спартакиада бўлиб ўтди. Унда иштирок этган 15 та жамоа спортнинг 6 та тури бўйича ўзаро беллашди.

Спортчи муаллимлар стритбол, стол тенниси, шахмат-шашка, тош кўтариш, арқон тортиш мусобақаларида ўзларининг қандай маҳоратга эга эканликларини намойиш этишди. Айниқса, стол тенниси баҳсида Г.Норованинг чаққон ҳаракатлар билан чиройли ўйин кўрсатиши томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Тош кўтаришда эса сариосиёлик С.Ҳакимовга тенг келадигани топилмади. Стритбол, шахмат ва арқон тортиш беллашувларида ҳам сариосиёликлар биринчиликни қўлга киритишди.

Ғоятда қизиқарли ўтган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида Сариосиё тумани вакиллари биринчи, шерободлик муаллимлар иккинчи ҳамда деновликлар учинчи поғоналардан жой эгаллашди.

Ғолиб ва иштирокчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Илҳом ТОШПЎЛАТОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши масъул ходими
И.ҲАСАНОВ олган суратлар

Мавсум қандай ўтаяпти?

ИСТЕЪМОЛЧИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

истиқболли режаларга имкон бермоқда

Ҳамиджон Аҳроров Андижон шаҳридаги кўпқаватли уйлардан бирида истиқомат қилади. Қишнинг қирчилламасида ишдан уйига қайтиб келса, хонадондагиларнинг кайфияти чатоқ. Улар иситиш тизими яхши ишламаётганини айтишди. Эртасигаёқ тегишли корхоналар билан боғлангач, уй-жой мулкдорлари ҳамда «Иссиқлик манбаи» мутахассислари ҳамкорликда уни тузатиб беришди: хонадонга қайта файз киргандай бўлди. Бироқ у беминнат хизмат кўрсатувчилар олдида анча мулзам тортиб қолди. Сабаби, ўйлаб қараса, фойдаланилган манба учун икки йилдан буён пул тўламасдан бепарво юрган экан.

Мақола бошиданоқ ана шу мисолга урғу берганимиз бежиз эмас. Кўп ҳолларда рўзғор ва хонадонимиз учун зарур маҳсулотлардан истаганча фойдаланамиз-у, аммо уни етказиб берганлар билан вақтида ҳисоблашишни унутиб қўямиз. Кўрсатилган хизмат учун сарфланган маблағлар яна ўзимизга, фаровонликни таъминлашга йўналтирилишини ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Андижонда вилоят «Иссиқлик манбаи» корхонаси мутахассислари куз ва қиш мавсумига тайёргарлик ишларини хонадонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан бошлашининг боиси бор: 753 та кўпқаватли уйларга етарлича иссиқлик манбаи етказиб бериш ишларига бир неча йиллар давомида масъулиятсизларча ёндошилган. Натижада, 1, 2, 3, 4 ва 5 митти туманлардаги бир қатор қозонхоналар ва узатқич тармоқлари носозлиги туфайли 7, ҳатто 8 йиллаб хонадонларга иссиқлик етиб бормаган. Истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозлари жавобсиз қолиб кетаверган.

Мавжуд имкониятлар ўрганиб чиқилгач, дастлаб корхона ҳисобидан 27 та қозонхона ва 7 километрли узатқич тармоқлари сифатли қилиб таъмирланди. Мазут ва бошқа ёқилғи заҳиралари ғамланди. «Марказ» ҳамда «Шарқий» қозонхоналарнинг узлуксиз ишлаши таъминланди. Вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги 41 та муассаса ва шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги 83 та ўқув муассасаларида ҳам куз ва қиш мавсумининг беталофат ўтиши учун чора-тадбирлар кўрилди.

Соҳада тадбиркорлик ва ишбилармонликни қарор топтиришнинг натижаси долзарб паллада яққол кўзга ташланаяпти. Мавжуд қозонхоналарнинг 59 тасида иссиқлик манбаи ишлаб чиқариш таъминланди. Уй-жой мулкдорлари ҳамда ширкатлар билан тузилган истиқболли шартномалар бўйича 150 та уйларнинг ички иситиш тизимларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ортиқча сарф-харажатларга барҳам берилиб, истиқболли режалар асосида фаолият юритилмоқда. Мутахассисларнинг тармоқни бозор шароити талабларига мослаштираётгани ўзини ўзи бошқаришга ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга имкон бераяпти.

Айтайлик, тасарруфдаги айрим қозонхоналар хизматидан воз кечишга тўғри келаяпти. Масалан, баъзи ишлаб чиқариш ташкилотлари банкротликка учраган. Шунга қарамай уларга қарашли қозонхоналар эскирган, яроқсиз ҳолда бўлса-да, аммо ҳамон ҳисобда. Мутасаддилар билан фикрлашиб, ана шундай қозонхоналарни ҳисобдан чиқаришга эришилди. Унинг ўрнига эса кичик қозонхоналар лойиҳаси устида изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада шаҳар ҳокимлиги маблағи ҳисобидан 2 та уйда тажрибалар ўтказилмоқда. Самараси ёмон эмас: келгуси мавсумда яна 10 дан ортиқ турар-жойларда локаллаштирилган тизимга ўтилади. Унинг мулкдорлар учун афзалликлари кўп: аввало кичик қозонхоналар ширкатлар таркибида бўлади, шунингдек, хонадонларни йил ўн икки ой иссиқ сув билан таъминлашга ҳам имкон туғилади.

Янгиликни тармоққа жорий этиш ва уни босқичма-босқич амалга ошириш учун аввало маблағ масаласи ҳал этилиши керак. Вилоят «Иссиқлик манбаи»да бу борада истиқболли режалар ишлаб чиқилган. Корхона раҳбари Баҳодиржон Бурхоновнинг таъкидлашича, истеъмолчилар қарздорликка йўл қўйишмаса бўлди. Ҳозирги кунда ҳокимлик мутахассислари, ширкат раислари ва бошқа мутасаддилар ҳамкорлигида ушбу мавзуда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Жойларда яшовчилар билан учрашувлар ҳамда очиқ мулоқотлар ҳам ўтказилаяпти.

Андижонликларнинг битта яхши хислати бор: аввало янгиликка ўч, қолаверса, ҳеч дан кўра, кеч яхши, дегувчилардан. Шу боис, аҳолига иссиқлик манбаи етказиб бериш соҳасида замонавий ва ихчам технологияни жорий этиш бошқа жойлардагига қараганда бу ерда жадал. Сабаби, ҳозирданоқ истеъмолчиларнинг ўзлари унга катта қизиқиш билан қарашмоқда. Бу — фойдаланилган маҳсулот учун қарздорликка барҳам беришда ҳам муҳим ўрин тутаяпти.

Қисқаси, куз ва қиш мавсумлари беталофат ўтиши ва хонадонлар узлуксиз иссиқлик манбаи билан таъминланиши аввало истеъмолчиларнинг ўзларига кўп жиҳатдан боғлиқлигини яшовчилар англаб етишган. Муаммоларга барҳам берилиб, келгуси йилнинг тадориги кўрилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Абдусами ҲАКБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Солиқ маслаҳати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
2006.06.29. 2006.08.25. 2006.09.21. 2006.09.22.
Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
2006.06.29. 2006.08.25. 2006.09.28. 2006.09.29.
Ипотека тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
2006.06.28. 2006.08.25. 2006.10.04. 2006.10.05.
Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
2006.01.31. 2006.06.09. 2006.10.11. 2006.10.12.
Ҳакамлик судлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
2006.02.08. 2006.12.01. 2006.12.06. 2006.12.17.

Тадбиркорлик субъектларини текшириш сонини кискартирилганлиги ва текшириш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конун хужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.01.26. 2006.02.25. 2006.03.23. 2006.03.24.
Тадбиркорлик фаолиятни амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турлари кискартирилганлиги хамда соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конун хужжатларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.01.26. 2006.02.25. 2006.04.04. 2006.04.05.
«Давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид айрим конун хужжатларини ўз кучини йўкотган деб топиш хакидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2005.10.10. 2006.02.25. 2006.04.03. 2006.04.04.
«Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш хакидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.01.27. 2006.02.25. 2006.04.04. 2006.04.06.
Махсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конун хужжатларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2005.12.13. 2006.02.24 2006.04.06. 2006.04.08.
«Экспорт назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 9-моддасига кўшимча киритиш хакидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.06.09. 2006.06.10. 2006.06.20. 2006.06.21.
Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 8, 71-моддаларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.04.04. 2006.06.09. 2006.06.21. 2006.06.22.
«Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига, Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига хамда Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига кўшимчалар киритиш хакидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.04.19. 2006.06.09. 2006.06.21. 2006.06.22.
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига хамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш хакидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.04.20. 2006.06.09. 2006.06.22. 2006.06.23.
«Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий харбий мажбурият ва харбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конунларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш хакидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.05.16. 2006.06.09. 2006.06.26.
Ўзбекистон Республикасининг Шахарсозлик кодексига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.02.22. 2006.06.09. 2006.07.07. 2006.07.08.
Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессул кодексининг 19-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.06.04. 2006.06.10. 2006.07.20. 2006.07.21.
«Шахар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартиш киритиш хакидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.06.09. 2006.08.25. 2006.09.13. 2006.09.14
«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 7-моддасига кўшимча киритиш хакидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.06.15. 2006.08.25. 2006.09.14. 2006.09.15.
«Фирма номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни кабул килинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конун хужжатларига ўзгартиришлар киритиш хакидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.06.20. 2006.08.25. 2006.09.18. 2006.09.19.
«Микрокредит ташкилоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни кабул килиниши муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш хакидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.08.17. 2006.08.26. 2006.09.20. 2006.09.21.
Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодексига ва «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш хакидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.06.30. 2006.08.25 2006.09.27. 2006.09.28.
Тадбиркорлик субъектларини хукукий химоя килиш тизими такомиллаштирилганлиги хамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конун хужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.06.29. 2006.08.26. 2006.10.10. 2006.10.11.
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш хакидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.09.20. 2006.11.30 2006.12.15. 2006.12.16.
«Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига ўзгартишлар киритиш хакидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.09.26. 2006.11.30. 2006.12.19. 2006.12.20
«Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни 2-моддасига ўзгартишлар киритиш хакидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.11.01. 2006.11.30. 2006.12.22. 2006.12.26.
Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш хакидаги Ўзбекистон Республикасининг Конуни.
2006.11.30. 2006.12.01. 2006.12.26. 2006.12.27.
Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
2006.06.20. 2006.08.26. 2006.09.12. 2006.09.13.
Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
2006.11.29. 2006.12.01. 2006.12.12. 2006.12.13.

Довуд МАДИЕВ,
«Ишонч»нинг Парламентдаги мухбири

Тақриз

«БУЛОҚЛАРНИНГ ТИЛИДА КУЙЛАР...»

Шеърият - кўнгил мулки. Ижод билан ошно юрак ҳамиша мавжланиб туради. Шу боис дунёга ўзгача назар билан боқади ва атрофдаги ҳар бир нарсадан маъно ахтаради, яхшилик излайди. Ёш иқтидорли шоир Ҳумоюн Мирзо шеърларини ўқиганимда хаёлимдан ҳамиша ана шундай фикрлар ўтади. У шоир нигоҳи билан дунёга боқади. Қалб кўзгусида акс этган туйғуларни шеърга солади ва ўқувчиларга ҳавола этади.

Ҳумоюн бизнинг кўз ўнгимизда ўсди, улғайди. Бадиий адабиётга ҳавас қўйди. Унинг кўнглига тушган муҳаббатнинг бир учқуни аста-секин аланга олди ва шеър ёза бошлади. Аслида шоирлик унинг қонида бор...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али жияни туғилганида ирим ҳам ҳавас билан унга Ҳумоюн деб исм қўйишни таклиф қилган эди. Ота-она, оқсоқоллар бу исмни ёқладилар. Шу баҳона қишлоқ

аҳли Соҳибқирон Амир Темур ва унинг зурриёди бўлмиш шоир ва шоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг шавкатли ўғли Ҳумоюн Мирзони ҳам жуда яхши билиб олган эдилар.

Ҳумоюн Бўзда ўрта мактабни битирди, сўнг Ўзбекистон Миллий Университетига ўқишга кирди. Қилни қирқ ёрадиган адабиётшунос олимлар дарсини олди. Бу даргоҳдаги қизғин адабий тадбирларда фаол иштирок этди, адабиёт олами сиру-синоатларини чуқур англай бошлади. Ўқишни битиргач, бадиий ижодни педагогик фаолият билан қўшиб олиб борган Ҳумоюн Республика даврий матбуотида ахён-ахёнда ўзининг пишиқ шеърлари билан чиқиб турадиган бўлди. Бирин-кетин шеърий китобларини ҳам нашр эттирди. 2006 йилда "Кўнглим гули" номли каттагина китоби босилиб чиқди. Шу китоб баҳона Ҳумоюн ижоди ҳақида айрим фикрларимни айтмоқчи бўлдим.

Унинг шеърияти нафис туйғуларга, лирик кечинмаларга жуда бой. Қайси мавзуда қалам тебратмасин, ҳодисани бутун қалби билан ҳис эта олади. Оҳори тўкилмаган, янги ибора ё ташбеҳлар топади. Баъзан мукаммал, қуйма сатрлар кашф этади. Масалан, унинг она қишлоғи ҳақидаги шеърида ёркин бир меҳр нури товланиб турибди:

Салом,
Мени кутган-кутмаган,
Кузги гуллар,
Олтин япроқлар,
Далаларнинг кўксидан ўтган,
Деҳқон умри каби сўқмоқлар!

Бу жонли манзара, киши кўз ўнгида узоқ болаликдаги кичик бир қишлоқнинг сурати. Шоирнинг хаёли чексиз, еру осмонни кафтида кўриб тургандай:

Тўлин оймомани қучоқлаб олиб
Булутлар устидан ташлайсан одим.

Шоир фалсафаси чуқур, айтадиган гапига ўқувчини ишонтириш, ёлғон ҳиссиётга берилмаслик каби ҳолатларни усталик билан ифодалай олади. Унинг "Ишончсизлик" сарлавҳали шеърида шундай сатрларга дуч келамиз:

Бу кўчанинг гадолари кўп,
Гадоларнинг дуолари кўп,
Дуоларнинг хатолари кўп,
Бўлармикан бари ижобат?

Табиат манзараларини сўз билан айнан чизиш, унинг асл қиёфасини бузмаслик учун шоирнинг нигоҳи ўткир, зеҳни сезгир, илҳоми уйғоқ бўлиши лозим. "Тоғларнинг кўз ёшлари" шеъридаги қуйидаги мисраларга эътибор берайлик:

Биз йўқотган хазина-хаёл,
Бизга тинчлик бермаган ўйлар,
Тоғларнинг кўз ёшидай зилол,
Булоқларнинг тилида куйлар.

Шоирнинг "Дарс", "Ҳаёт", "Парвона", "Андижон", "Шукрона" каби шеърларида ўқувчини ўйга толдирадиган, уни адолат ва ҳақ ишига ундайдиган руҳий қувват мавжуд. Юрак тафти, туйғулар силсиласи сатрлардан сатрларга кўчади, хулоса эса яхлит, дангал айтилади. Адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов таъкидлашича, шоир истеъдодли бўлиши мумкин, аммо у майда-чуйда кайфият ҳолатлари атрофида ўралашиб қолса, ёзганлари одамлар хотирасида из қолдира олмайди. Ҳумоюн ҳамиша омма ичида, айниқса, ёшлар билан ишлайди, уларнинг орзу, интилишлари, ҳаётга муносабатларини теран англаш унинг ижодида янги омил, кўтарилиш йўлини очиб бериши мумкин.

Шоирнинг "Кўнглим гули" китобига "Қалб қалъаси" номли лирик достони ҳам киритилган. Аввало, шоирнинг шеърдан достонга ўтадиган кўприк ҳақида. Бу тажриба, ҳаёт фактлари, туйғулар бирлашиб пайдо бўлган ҳосила – майдон, ҳодиса воқеаларнинг мазмун бирлиги, ғоя, мақсад эса, асарнинг ўзидир. Ҳумоюн достонида қалб кечинмалари, руҳиятда мавжуд бўлган унсурлар орқали (жонли) шахслар сифатида ўзига хос ихчам услуб билан тасвир этилади. Унда макон, ихлос, эътиқод, бурч, вафо образларига қарама-қарши шубҳа, гумон, ёлғон, қатъиятсизлик, бевафолик каби қусурларнинг рамзий образи акс эттирилади. Мақсад аниқ - инсон юксак, олий туйғулар соҳиби бўлиши лозим дейилади. Муаллиф бой миллий достончилигимиз хазинасида тўпланган, халқ ва замонлар имтиҳонидан ўтган услубларни ўз иқтидори даражасида ўзлаштириб бораётгани, ўзига хос сўқмоқлар топаётгани яққол сезилади.

Юқорида айтилганидек, Ҳумоюн бадиий ижодини халқ таълими соҳасидаги иши билан бирга давом эттирмоқда. У машҳур ўзбек педагог адиблари Ҳамза, Авлоний, Элбек сингари маърифатпарварлар изидан зўр умид билан одимламоқда.

Унинг адабий исми ҳақида эса, агар жоиз бўлса, шуни айтиш мумкинки, ўтган улуғ аждодларимиз руҳига эҳтиром юзасидан Ҳумоюн Мирзо деб юритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Хулоса қилиб шуни таъкидламоқчи эдимки, бизда бадиий ижодни бевосита мактаб ва таълим иши билан боғлаб олиб борувчи ижодкорлар сафи кенгайса, шунда ёш авлодни маънавий-маърифий ҳамда бадиий камолот сари етаклаш осонроқ кўчармиди? Яхши шеър, таълим-тарбия дунёқараш ва тафаккур такомилига пойдевордир. Шоир ва педагог Ҳумоюн Мирзо ана шундай янги ижодий довонлар олдида турибди, йўли ҳамиша хайрли бўлсин!

Тўлан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири

Фахр

ЮРТИМ ШАЪНИ ҚАНОТЛАРИДА

Қатар пойтахти Доҳада бўлиб ўтган XV Осиё ўйинларида академик эшкак эшиш бўйича аёллар ўртасида ўтказилган 1000 метрга сузиш мусобақасида биринчиликни қўлга киритган опа-сингил Севара ва Зарина Ғаниеваларни гўзал оққушларга қиёс қилгинг келади. Юртим шаънини қанотларида олиб учган қушлар...

Мамлакатимиз мадҳияси янгради. Ўзбекистон байроғи юксакликда ҳилпирай бошлади. Кўксида олтин медални қучоқлаб олган Севара Ғаниева ҳаяжонини яширолмади. Кўзларидан йирик томчилар дув-дув тўкиларди. Шодлик, ифтихор, бахт кўз-ёшлари эди. Ҳа, бу-ғалаба. Узоқ кутилган, йиллар давомида ўтказилган тинимсиз машқлар меваси... Осиё минтақасининг энг йирик мусобақасига қизларимизни олиб борган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти ғалабаси, жонажон диёримиз зафаридир.

Ҳамюртларимиз Япония, Таиланд ва Хитойнинг энг кучли жуфтлик рақибларини доғда қолдириб марра чизиғини биринчилардан бўлиб босиб ўтдилар .

— Биз олтин медални қўлга киритишни мақсад қилгандик. Мана эришдик ҳам. Бу йўлда фақатгина кучимизга ишонгандик. Осиё ўйинларидан олдин Англияда бўлиб ўтган мусобақаларда Севара ва Зариналар 19-ўринни эгаллаган эдилар, холос. Хитойликлар биринчи эди. Доҳада ҳам қизларимизнинг асосий рақиблари бўлишди улар, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Шуҳрат Ғаниев. — Аммо биз бўш келмадик «кутилмаган» стратегияни ўйлаб топган эдик. Старт берилиши биланоқ Севара ва Зарина катта суръат билан олға силжишди ва хитойликларни ортда қолдиришди. Улар буни ҳеч кутмаганга ўхшайди, анча ҳаяжонланишди. Ўзбекистонлик жуфтликлар қанча узоқ кетганини. кўриш учун ортга қарашлари уларнинг тезлигини пасайтириши шубҳасиз эди. Қизларимиз эса бир хил суръатда шиддат билан кетиб боришар эди. Жисмоний тайёргарлик жиҳатдан биз хитойликлардан кучлимиз деб айта олмаймиз, лекин ғалабага Севара ва Зарининг характеридаги қатъийлик сабаб бўлди.

Ғаниевалар оиласи учун спорт шунчаки эрмак эмас. Бутун ҳаёти маъно-мазмуни спортга айланган. Шуҳрат ва Ириналар ёшлигида эшкак эшувчи спортчилардан бўлишган. Айни пайтда эса улар мураббий. Билим ва тажрибаларини эшкакчи-спортчи бўлишни орзу қилган йигит ва қизларга ўргатмоқда. Меҳнатлари давлатимиз томонидан тақдирланган: улар «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» унвони соҳиблари.

Мураббийлар оиласида бу икки гўзал қизлар дунёга келганида отаоналари уларнинг келажаги ҳақида иккиланишмаган. Сабаби аниқ: қизлар ҳам, албатта, спортчи бўлишади.

Ғаниевалар Бекободда турсаларда Тошкент денгизига келиб мунтазам шуғулланишарди.

— 10 ёшдан бери биз Зарина билан касаба уюшмалари жамияти учун мусобақаларда иштирок этар эдик, — дейди Севара Ғаниева. — Ота-онамиз бизни Олимпия заҳиралари Республика болалар ва ёшлар махсус спорт мактабига олиб келди. Бу ерда кўп йиллардан буён хизмат қилаётган Татьяна Мамақулова ёшларга мураббийлик қиларди. Мана шу ерда маҳоратимиз ошди, характеримиз шаклланди. Ғалабага эришиш йўлларини ўргандик. Бу мактабда мураббийлар болаларга ўз фарзандларидек қарашади. Шунинг учун ҳам юртдошларимиз юқори натижаларга эришмоқдалар.Касаба уюшмасининг Жисмоний тарбия ва спорт жамияти туфайли биз дунёнинг етакчи спортчилари билан бир қаторда турли халқаро турнирларда қатнашдик. Доҳадаги ғалаба мен ёки Зарининг шахсий ғалабамиз эмас. Ахир қанча-қанча одамлар бизни қўллаб-қувватлашди. Уларнинг ҳамма-ҳаммасидан миннатдормиз ва умумий ғалабамиз билан табриклаймиз.

Бугун қизлар нафақат спортчи, балки спорт мутахассислари ҳамдир. Улар Тошкент Давлат Жисмоний тарбия ва спорт институтини тамомлашган. Севара ўқишини яна давом эттирмоқда. Ҳозирда у Москва Давлат хизмат кўрсатиш университетининг 2-курс талабаси.

Ҳали чемпионларимиз олдида қанча-қанча иш, машғулот, меҳнат... Ҳали амалга ошмаган режалар бисёр.

— Биз Пекинда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўришни бошладик. У ерда олтин медал учун нафақат осиёликлар, балки Европанинг кучли эшкакчилари билан кураш олиб боришга тўғри келади.

Гўзал оққушларга парвозингиз сарбаланд бўлсин деймиз.

Аброр УМАРҚУЛОВ

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Хитойнинг «Хуаввест» ҳамда Японияннинг «НЕК» компаниялари вакилларига ўз миннатдорчилигини билдириб, турли эсдалик совғаларини тақдим этди. Бу тадбир «Ўзбектелеком» компанияси ҳузурида фаолият олиб бораётган муҳандис-техник марказ учун туб таъмирдан чиқарилган бинонинг очилишига бағишланган маросимда амалга оширилди.

ЧЕТ ЭЛ КОМПАНИЯЛАРИГА СОВҒАЛАР

Гап шундаки, юқорида номлари тилга олинган хорижий компаниялар мазкур марказни зарур алоқа ускуналари билан жиҳозлашда ҳиммат кўрсатди.

Эндиликда ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган янги бино энг замонавий техникалар билан қуроллантирилди. Бу ерда замонавий алоқа ускуналаридан фойдаланиш имкони туғилди. Маълумотларни узатиш ҳамда уяли алоқа, шунингдек, оптик узатиш тизими қурилмаларининг энг яхши намуналари ҳам бор.

Ўзининг кучли техник негизига айланган марказ алоқа соҳасининг йирик мутахассислари малакасини оширишнинг йирик ўқув даргоҳи сифатида фаолият кўрсатади.

Акбар АЛИЕВ

Имом БУХОРИЙ

АДАБ ДУРДОНАЛАРИ

Адоват ҳақида

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади. У киши Набий муҳтарам (с.а.в.): "Қиёмат куни Аллоҳ таоло ҳузурида одамларнинг энг ёмонларидан бировларга бир юз билан, иккинчиларга иккинчи юз билан қарайдиган икки юзламачи киши бўлади", деганларини хабар қиладилар.

Абу Дардо (р.а.): «Сизларга садақа ва рўзадан ҳам хайрлироқ бир нарсани айтайми? Бир-бирига адовати қаттиқ бўлган ёки аразлашган икки кишини яраштирмоқдир», дедилар.

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Икки мўминнинг уч кеча-ю уч кундуз гаплашмай юриши ҳалол эмас. Уч кун ўтгач, бири иккинчисини учратиб салом берсин, агар саломига алик олинса, иккиси ҳам ажр топадилар, мободо саломига алик олинмаса, салом берган киши баъзи гуноҳларидан фориғ бўлади», деб марҳамат қилдилар.

Қойиш ва сўкиш ҳақида

Иброҳим ибн Абу Абла Умму Дардо (р.а.)дан ривоят қилади. «Бир киши Умму Дардо (р.а.) олдига келиб: "Халифа Абдумалик ибн Марвон ҳузурида бир киши сизга таъна қилди", деб хабар берди. Умму Дардо (р.а.): "Ўзимизда бўлмаган айблар билан туҳмат қилинсак майли. Ўзимизда йўқ мадҳлар билан кўп мақталган ҳам эдик", дедилар».

Бир қултум сув ичириш ҳақида

Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинди. Шу ҳадис ровийларидан имом Лайс: "Бу ҳадис Расулуллоҳ (с.а.в.) сўзлари бўлса керак, деб ўйлайман. Ҳар бир одам боласининг баданида уч юз олтмишта майда сўнгак ва бўғинлар бор. Улар шу сўнгак ва бўғинлар учун ҳар куни бир садақа қилмоқлари лозим. Ҳар бир ширин сўз бир садақа, киши биродарига ёрдам қилмоғи ҳам бир садақа, унга бир қултум сув ичириши ҳам бир садақа ва кишиларга озор берадиган йўлдаги нарсаларни четга олиб ташлаш ҳам бир садақа ҳисобланади", дедилар.

Уйинг куйсин, ичкилик!

ШЎРҚИШЛОҚДА НИМА ГАП?

— «Қизим «дод» деб йиғлай бошлади, — дейди хотининнинг ўлимига сабабчи бўлган Абдулазиз Мадраҳимов терговда берган кўрсатмасида. — Мен тикув машинасини баланд кўтариб яна хотинимнинг бошига урмоқчи бўлдим. У туриб қочди. Кайфда унга ета олмадим. Кейин ўзи яшириб қўйган спиртни олиб чиқиб устидан қуйиб юборди. Бир ярим литр спирт унинг сочларидан оқиб тушиб, юзини ювиб ўтди. Қип-қизил гулли юпқа кўйлаги-ю, лозими баданига ёпишиб қолди».

У армиядан қайтгач, уйланди. Биринчи хотини Ойбарчиндан 3 нафар фарзанд кўрди. Бироқ оилавий ҳаёт ҳам уни ичкилик балосидан қутилишига ёрдам беролмади. Натижада оила барбод бўлди. Болалар тирик етим қолди. Абдулазиз уларнинг моддий таъминоти билан мутлақо қизиқмади. Алимент тўлаш у ёқда турсин, болаларини кўчада кўрса, сўрашмай ўтиб кетарди. Оқибатда собиқ хотини билан алимент масаласида судлашиб ҳам олди.

Кейинги хотини Бусофия Исмоиловадан ҳам иккита фарзанд кўрди. Бироз инсофга келгандек бўлиб, яна эски одатини бошлаб юборди. У ичиб олса, ҳеч кимни танимай қоларди. Оилам, боламчақам деган тушунча йўқ эди унда.

— Эсимда бор, — дейди унинг 11 ёшли фарзанди Элмурод ўз кўрсатмасида. — Бир марта дадам аямни уриб ҳайдаганда 2005 йилнинг охирлари эди. Ўшанда Гавҳарой аям билан кетиб, Қосим тоғамнинг уйида яшаганмиз. Кейин Аннам (дадамнинг аяси) олиб кетиб яраштиришган. Кейинги сафар ҳайдаганида Одил тоғамникида яшадик. Дадам 1-2 ойда ҳам орқамиздан бормади. 2006 йилнинг қиш фасли, баҳор ойларида ҳам дадам ичиб келиб, аямни сўкиб ҳақоратлаб, хўрлаб келди. Аям шўрлик Пунғонга бориб мардикорлик қилишга мажбур бўлди. Шу пулга ёғ олиб гўштсиз шўрва, қозонкабоб қилардик. Эрталаб, пешинда нон-чой ичардик. Охирги марта қачон қанд еганимиз эсимда йўқ. Дадам бўлса, кўчада қорнини тўқлаб, маст бўлиб келарди-да, аямни урарди. Аям «Мени ўлдирсангиз ўлдириб қўя қолинг» деб йиғларди.

Отанинг ўз ўғлидан шу каби гувоҳликларни эшитиши қандай даҳшат! Бироқ Абдулазиз бу даҳшатни ўз қўллари билан қурди. Оиланинг заволи эса бундан-да фожеалироқ якунланди.

— Абдулазиз менинг ўғлим бўлади, ёшлигида яхши эди. 18 август куни соат 11 ларда уйга неварам Элмурод келиб «анна, юринг, момонинг устидан бобом сув қуяяпти» деди. Мен дарров уларникига қараб югурдим. Йўлда Бусофияни учратдим. У рўмолга ўраниб биз томон югуриб келяпти экан. Бетлари куйиб кетибди, «нима бўлди» десам, «уйда айтаман» деб жадаллаб бизнинг уйга юрди, «ўзимга ўзим қилдим, касалхонага олиб боринглар», — деди.

Бусофия Исмоилова 19 август куни касалхонада вафот этди. Жон ширин, икки фарзанд ширин, бу аёл гарчи ўзига-ўзи ўт қўйган бўлса-да, фожеада кўпчиликнинг айби бор. Маҳалла-кўй, ота-она, қўни-қўшнилар. Инсон ўзини ўлдириш даражасига бориб етиши учун қандай руҳий жараёнлардан, қандай азоблардан ўтиши керак эди.

— Шўрқишлоқда рўй берган бу фожеа, афсуски, ягона эмас. 2006 йилнинг 6 ойи давомида фуқароларнинг ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўлдиришга уриниш ҳолатлари туманимизда 10 тани ташкил қилди, — дейди Данғара туман прокуратураси терговчиси Қ.Сотволдиев. — Қасд ва суиқасд қилганлардан 3 нафари ўлган, 7 нафари турли даражада тан жароҳати олган. Бундай ҳолларнинг аксарияти 19-30 ёшдаги эркаклар томонидан содир этилган. Ичкиликбозлик туфайли оилада юзага келган келишмовчиликлар 7 ҳолатда суиқасдга сабаб бўлган.

Жумладан, Найманча қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи 20 ёшли Сарвиноз Исмодиёрова шу йилнинг январ ойида ҳовлисидаги ишкомга ўзини осган. Яхшики, шу пайт кириб қолган қўшнилар ўз жонига қасд қилган бу қизни қутқариб қолган. Ҳали рўзғор кўрмаган гулдек қиз нега ўзини ўлдирмоқчи бўлди? Суриштирув пайтида кўп нарсалар ойдинлашди. Қизнинг отаси бўлмиш Ҳайитбой Мамадиёров ичкиликка ружу қўйиб, рўзғорга умуман қарамай қўйган, Сарвиноз икки ногирон укасини чеварлик қилиб амал-тақал эплаб турган экан.

Дадасини уйга маст ҳолда, алжираб келганини бир марта бўлса-да кўрган гўдак дарров ўзини бирор панароқ жойга олади. Юзида қўрқув акс этади. Унинг мурғак хотирасида бу ҳодиса қандай из қолдиришини эса тасаввур қилиш қийин эмас.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ишонч» мухбири

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Қашқадарё вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси Шодмон Кубаевга отаси

РАББИМ бобонинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси кенгаш раиси Шодмон Кубаевга отаси

РАББИМ бобонинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бухоро вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси жамоаси бирлашманинг ишлар бошқарувчиси Рашид Зайнитдиновга онаси

МИНИГУЛ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши Қоракўл туман халқ таълими бўлими мудири Рўзиқул Ниёзовга онаси

РАЖАВОЙ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. О'K.U.F. F.T.U.U. ОЛИЙ БАХТ

БОШ МУҲАРРИР
Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова,
Виктор Зверев
(бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзоҳид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият
153-52-78
Бўлимлар
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - А.Ҳақбердиев
Навбатчи - Т.Шернаев
Мусаҳҳиҳ - А.Ёрбеков

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 19.40

Буюртма Г— 015
Тиражи: 19246

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси